

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўқув ишлари бўйича проректор
Профессор Хаитов К.Н._____

« » _____ **2018 й.**

Таълим йўналиши - 5510200 -- «Педиатрия иши»

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

V курс

Мустақил иш соати – 40

Таълим соҳаси - 510000 - « Соғлиқни сақлаш»Таълим йўналиши - 5510200 - «Педиатрия иши» йўналиши Анестезиология ва реанимация, болалар анестезиологияси ва реанимацияси фанидан ўқув режа бўйича ўқув услубий мажмуа ишлаб чиқилди

Тузувчилар :

Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиология ва реаниматологияси кафедраси мудири т.ф.д., профессор Т.С. Агзамходжаев.

Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиология ва реаниматологияси кафедраси доценти, т.ф.н. Юсупов А.С.

Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиология ва реаниматологияси кафедраси ассистентлари: Исмаилова М.У., Салиходжаев Ш.Н, Хайдаров М.Б, Бекназаров А.Б., Толипов М.Г, Маматкулов И.А., Маматкулов И.Б.

Такризчилар :

Тош ВМОИ болалар анестезиология и интенсив терапияси кафедра мудири т.ф.д., профессор Э.А. Сатвалдиева

ТошПМИ факультет болалар хирургияси кафедра мудири, т.ф.д., профессор М.М. Алиев

Фаннинг ўқув услубий мажмуаси Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институтининг **“1-педиатрия ”** факультети Илмий кенгашининг 2018 йил июн 10 -сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

“1-педиатрия ” факультети
Илмий кенгаши раиси

Т.С.Агзамходжаев

Фаннинг ўқув услубий мажмуаси Тошкент педиатрия тиббиёт институти МУК нинг 2018 йил “20” июн 10 -сон қарори билан тасдиқланди.

Кафедра мудири

Т.С.Агзамходжаев

Келишилди:

Ўқув услубий бўлим бошлиғи _____

Н.В.Агзамова

Таълим соҳаси - 510000 - « Соғлиқни сақлаш»Таълим йўналиши - 5510200 - «Педиатрия иши» йўналиши Анестезиология ва реанимация, болалар анестезиологияси ва реанимацияси фанидан ўзгартириш ва қўшимчалар 2018-2019 ўқув йили ўқув услубий мажмуасига киритилди:

Машгулот №2 дан 16 гача - график органайзерлар - доцент Юсупов А.С., ассистентлар: Толипов М.Г., Исмоилова М.У., Бекназаров А.Б, Хайдаров М.Б, Солиходжаев Ш.Н., Маматкулов И.А.

Амалий машгулот №3, 11га: амалий куникмалар - ассистент Исмаилова М.У.

КИРИШ

Анестезиология ва реанимация, болалар анестезиологияси ва реанимацияси фани асосий конун ва коидалари беморни операцион травмадан химоялаш, критик ҳолатларда ҳаёт учун зарур бўлган аъзолар функцияларини тиклаш, бошқариш ва ушлаб туриш. Амалиётда кулланиладиган бу принциплар уз навбатида умумий анестезиология ва реаниматология принципларидан кескин фарк қилади. Бу специфик усуллар айниқса болаларда ката ёшдаги беморларда кулланиладиган анестезия ва реанимация усуллари уларнинг анатомио- физиологик хусусиятлари билан боғлиқ. Ишчи дастур намунавий дастур асосида тузилган бўлиб, талабаларни ўқитиш мақсади ва вазифаларини аниқлабгина қолмасдан, балки уларни билимга талабини, амалиётда қўллашни ҳам ургатади. Ишчи дастурда замонвий ўқитиш технологияси билан анатомио-физиологик хусусиятларини билган ҳолда фан бўйича талабалар билим даражасини ошириш ва назорат қилиш кўриб чиқилади.

1.1. Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларни шошилиш ҳолатларда бола организмнинг ҳаётий зарур аъзолари ва системалари функциясининг бузилиши этиопатогенези, диагностикаси билан таништириш, бола ҳаётига ҳавф солувчи ҳолатларда даво чора-тадбирларини танлашга,

Фаннинг вазифаси -шунингдек соғлиқни сақлаш бирламчи звеноси ва тез тиббий ёрдам хизмати шароитида мустақил реанимацион ёрдам, шифохонагача анестезиологик ва интенсив ёрдам кўрсатишга ургатишдир.

1.2. Ўқитишнинг асосий принциплари, усуллари ва воситалари.

Қуйидаги дастур талабаларда клиник фикрлашни ошириш, килиник кузатувлар ва тактик ҳаракатларнинг максимал индивидуаллаштиришга қаратилган. Ўқитиш традицион (суҳбат, мулоқот, савол-жавоб) ва шунингдек интерактив усулларда (клиник имитацион ўйинлар – “ролли ўйин”, “қор бўрони”, “мияга ҳужум”, турли мураккабликдаги ҳолатий масалаларни ишлаш, тест шаклида) олиб борилади. Шошилч ҳолатлар ривожланиш патогенези ва диагностикаси схемаларини “презентация”, “галерея бўйлаб сайр”, “академик полемика” усулларида ишлаб чиқиш.

Фантомларда, муляжларда, волонтерларда ишлаш. Касаллик тарихи ва наркоз карталарини таҳлил қилиш ва рецензияси. Бемор реабилитацияси режасини ишлаб чиқиш. Клиник фикрлашни баҳолаш варақасини тўлдириш.

1.3. Талабаларнинг билим, амалий кўникмалар даражаси учун талаб:

Талаба билиши керак:

- шошилиш ҳолатлар ривожланишининг анатомио-физиологик ва ёшга боғлиқ хусусиятларини;
- дори ва анестезиологик воситаларининг организм ва функционал системаларга таъсир қилиш механизмини;
- патологик синдромлар ривожланишининг этиопатогенетик факторларини;
- шошилиш ҳолатлар диагностикаси критерияларини;
- оғирлик даражасини баҳолашни;
- реанимацион, интенсив терапия ва анестезия йўллари ва усулларини;

Талаба қила олиши керак:

- синдром ёки ҳолат диагностикаси;
- госпитализациягача босқичда ёки тез тиббий хизмат шароитларида реанимацион ва интенсив терапия дастурини тузиш ва амалга ошириш;

- бемор боланинг кейинги даво чоралари ва транспортировка усулини танлаш ва амалга ошириш;
- анестезиологик хавфни баҳолаш;
- операция ва жароҳатларда анестезия усулини ва турини танлаш.

Талаба қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлиши керак:

- терминал ҳолатларни аниқлай олиши (агония олди, агония даври, клиник ўлим)
- нафас ва юрак тўхтаганини;
- декорткация ва децеребрацияни;
- ўткир юрак етишмовчилиги даражасини;
- ЎНЕ оғирлик даражасини, обструктив синдром ва ўпка ичи таранглашиш синдромини аниқлай олиши кеарак;
- нафас йўли ўтказувчанлигини тиклай олиши;
- “оғиздан оғизга”, “оғиздан бурунга” ўпка сунъий вентилляцияси (ЎСВ) ни ўтказа олиши;
- билвосита юрак массажи ўтказиши;
- краниоцеребрал гипотермия ўтказиши;
- совутишнинг физик усуллари кўллай олиши;
- критик ҳолатдаги беморларни транспортировкасини ташкил қила олиши керак;

1.4. Ушбу ўқув дисциплинасини ўзлаштириш учун зарур бўлган ўқув дисциплиналари ва унинг рўйхати.

Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси бўйича чуқур билим ва кўникмага эга бўлиш учун қуйидаги ўқув дисциплиналари бўйича базис билимларга эга бўлиш керак:

- болалар нормал анатомияси;
- нормал ва патологик физиология;
- топографик ва патологик анатомия;
- биологик кимё;
- клиник фармакология;
- болалар касалликлари пропедевтикаси;
- педиатрия;
- шошилч педиатрия;
- болалар жарроҳлиги;
- болалар инфекцион касалликлари.

Амалий машғулотларда бажарилиши шарт бўлган вазифалар.

Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси бўйича ўқитиш қуйидаги асосий принциплар бўйича олиб борилади:

Олдинги курсларда олинган билимларга таянган ҳолда асосий шошилч ҳолатлар, терминал ҳолатларнинг кечиши ва интенсив терапияси тўғрисида талабаларга билим бериш.

Давлат таълим стандарти ва умумий амалиёт педиатри квалификацион характеристикаси талабларига асосан ўқитишнинг асосий усули бўлиб, ўқитувчи раҳбарлигида талабаларнинг қуйидаги вазифаларни бажариши:

- 1-вазифа: Бемор болани текшириш ва умумий аҳволини баҳолаш
- 2-вазифа: Терминал ҳолатнинг босқичини аниқлаш.
- 3-вазифа: Нафас етишмовчилиги даражасини аниқлаш.
- 4-вазифа: Юрак қон-томир етишмовчилиги даражасини аниқлаш.
- 5-вазифа: Шок турини аниқлаш.
- 6-вазифа: Муляжда трахея интубацияси ва юрак – ўпка реанимацияси техникасини кўрсатиб бериш.
- 7-вазифа: Қон ивиш тизимининг бузилиш даражасини аниқлаш.
- 8-вазифа: Гемостаз тизимида бузилиш борлигини (ДВС синдром) аниқлаш;
- 9-вазифа: Гипертермик, тутқаноқ синдромида ва мия шишида оғирлик даражасини аниқлаш;
- 10-вазифа: Буйрак етишмовчилиги турини ва босқичини аниқлаш.
- 11-вазифа: Чақалоқлар реанимацияси ва интенсив терапиясининг ўзига хос хусусиятларини билиш.
- 12-вазифа: Клиник ва лаборатор – инструментал текширувлар натижасини таҳлил қилиш.
- 13-вазифа: Талабалр клиник фикрлашини баҳолаш варақасини тўлдириш;

14-вазифа: Касаллик тарихи ва наркоз карталари экспертизаси.

15-вазифа: Бемор инфузион терапияси варақасини тузиш

16-вазифа: Беморнинг парентерал овқатлантириш варақасини тузиш;

17-вазифа: Анестезия режаси ва наркоз картаси таҳлилини ўтказиш.

1.5. Ушбу дастур бўйича ўқитиш таълим технологиясида қуйидаги сезиларли ўзгартиришларни назарда тутати:

- ўқув қўлланмалари, жадваллар, графиклар, ҳолатий масалалар, ишчи ўйинлар, касаллик тарихидаги диагностик хатолар, наркоз карталари, тестлар ва бошқаларнинг тўлиқ компьютерлаштирилиши;
- фантомлар, муляжлар, асбоб-ускуналар, аппаратуралар ва электрон версиялар билан таъминлаш.
- талабалар мустақил иши даражасини баҳолаш бўйича педагогларнинг кўникмалар ҳосил қилиши.

2018-2019 ўқув йили

Анестезиология ва реанимация, болалар анестезиологияси ва реанимацияси фанидан маърузалар тематик режаси

Таълим соҳаси - 510000 - «Соғлиқни сақлаш» Таълим йўналиши - 5510200 -

«Педиатрия иши» йўналиши

№	Мавзу	Мазмуни	Адабиётлар	Соат
1	Терминал ҳолаталар ва клиник ўлим	Терминал ҳолатлар таснифига кўра преагонал, агонал ва клиник ўлим ҳолатида қадамма-қадам реанимация муолажаларини ўтказишни билиб олиш	[5, 7, 8, 9, 13, 15, 17]	2
2	Гипертермик, талваса синдроми ва блш мия шиши да синдромли терапия.	Талваса синдроми клиникаси, диагностикаси ва интенсив терапияси этиопатогенетик хусусиятлари Бош мия клиникаси, диагностикаси ва интенсив терапияси этиопатогенетик хусусиятлари	[5, 7, 8, 15]	2
3	Дегидратация синдроми	Сув-электролит балансининг бузилиши. Болаларда дегидратация синдроми этиопатогенези. Болаларда инфузион терапия асослари.	[5, 6, 12,]	2
4	Кичик жароҳатли операцияларда оғриқсизлантириш	Оғриқсизлантириш турлари, НЛА ва атаральгезия ҳақида тушунча. Наркоз босқичлари, компонентлари ва улар асоратлари ва профилактикаси	[5, 7, 8, 15]	2
	Жами			8

2018-2019 ўқув йили

Анестезиология ва реанимация, болалар анестезиологияси ва реанимацияси фанидан амалий машғулотлар тематик режаси.

Таълим соҳаси - 510000 - «Соғлиқни сақлаш» Таълим йўналиши - 5510200 -

«Педиатрия иши» йўналиши

№	№ Маърузалар	Амалий машғулотлар номи ва мазмуни.	Адабиётлар	Соат
1	2	3	4	5
1.	Маъру	Педиатрияда анестезиология – реаниматология	Топшириқ	4

	за №1	хизматларининг ташкилоти. Анестезиолог – реаниматолог ҳаракатидаги бола организмнинг анатомио - физиологик хусусиятлари. Цели и задачи Анестезиология ва реаниматологиянинг мақсад ва вазифалари. Унинг педиатриядаги ўрни ва усул ва принциплари. Анестезиология ва реаниматологиянинг меъёрий ҳужжатлари ва мавқийи. Анестезиология, реанимация ва интенсив терапиянинг тузилиши ва жиҳозланиши. Юрак–томир, нафас тизими, неврологик статусини ҳолатини баҳолаш ва ёшига қараб текшириш усуллариининг хусусияти. Гидроион алмашинуви, кислота-асос мувозанатини ёшлари бўйича хусусияти.	№ 1, 3, 4, 8, 9, 10, 11, 14. (5, 6, 7, 11, 13).	
2.		Терминал ҳолатлар ва клиник ўлим. Терминал ҳолатларнинг уч босқичли таснифи. Клиник ўлим ва биологик ўлим дифференциал диагностикаси. Ўпка-юрак реанимациясини ўтказиш кетма-кетлиги. АВСД. қадамлари билан танишиш	Топшириқ № 1, 12, 14. (4, 5, 11, 14).	6
3		Ўпка юрак ва миёна реанимацияси. Постреанимацион касаллик. Босқичлари ва даволаш хусусиятлари. Клиник ўлим диагностикаси. Краниоцеребрал гипотермия усули билан танишиш. Юрак-ўпка ва миёна реанимацияси (шифоҳона ва шифоҳонагача босқичлари). ЎСВ, юрак билвосита массажи. Медикаментоз даво. Дефибрилляция. Реанимация ўтказишга кўрсатма ва қарши кўрсатма. Асоратлари. Критик ҳолатларда полиорган етишмовчилиги	Топшириқ № 1, 12, 14. (4, 5, 11, 14).	6
4		Чақалоқлар асфиксияси. Заруратга қараб реанимация тадбирларини ўтказиш ва унга тайёрлаш. Туғилганданок бола аҳволи оғирлигини баҳолаш. Нафас йўллари эркин ўтказувчанлигини тиклаш. Мустақил нафасни тиклаш. Юрак фаолиятини адекватлигини тиклаш. Дори воситаларини юбориш..	Топшириқ № 1, 3, 5	6
5.		Ўткир нафас етишмовчилиги. Ўткир нафас етишмовчилигининг ривожланишида этиопатогенетик сабаблар таснифи. ЎНЕ асосий клиник диагностик критериялари. Нафас етишмовчилигининг даражаларини баҳолаш. ЎНЕ да интенсив терапияни умумий принциплари респиратор ва оксигенотерапиянинг усуллари. Нафас етишмовчилигининг даражаларини баҳолаш. Оксигенотерапиянинг усуллари. НЕ респиратор терапия принциплари: нафас йўллари эркин ўтказувчанлигини таъминлаш, трахеостомияга кўрсатма, субдурал, субарахноидал гематомалар, БДЛ, ларинготрахеит, диафрагмал чурчалар. Аэрозоль, кислород, гелий кислородли терапия. Нафас йўллари доимий мусбат босим остидаги спонтан нафаси, режим, ЎСВ, ГБО. Ўткир ва сурункали кислородли интоксикация. Миндельсон синдроми, аспирацион пневмония. Этиопатогенези, клиникаси, диагностикаси и интенсив терапияси.	Топшириқ № 1, 2, 3, 5, 9. (2, 5, 7, 9, 11).	6
6.		Ўткир юрак етишмовчилиги. ўткир қон айланишининг ривожланишида этиопатогенетик омиллар. Ўткир қон айланишининг ривожланишида этиопатогенетик омиллар, тасниф, юрак–томир етишмовчилигининг тури ва даражалари. Юрак–томир етишмовчилигининг клинικο-диагностик мезонлари. Ўткир қонайланиши	Топшириқ № 3, 4, 5, 7. (2, 5, 11).	6

		етишмовчилигининг даволашнинг асосий принциплари. Чап қоринча ва ўнг қоринча, тоталь брак етишмовчилиги. Интенсив.терапия. Асоратлари.		
7.		Травматик ва геморрагик шок. Кўп учрайдиган (травматик ва геморрагик)шоклар этиологияси, клиникаси, диагностикаси. Интенсив терапия асосий принциплари.Травматик шокда шошилиш ёрдам.	Топширик № 3, 4, 5, 7. (2, 5, 11).	6
8	Маъру за №2	Анафилактик шок. Анафилактик шокнинг метаболик механизмининг ривожланиши. Кўп учрайдиган шокнинг турлари этиологияси, клиникаси, диагностикаси.Анафилактик шокда шошилиш ёрдам.	Топширик № 3, 4, 5, 7. (2, 5, 11).	4
9.		Гипертермик синдромда шошилиш ёрдам. Гипертермик синдром этиология, патогенез, клиника, диагностикаси ва интенсив терапияси	Топширик № 1, 2, 6, 10, 11, 14. (1, 5, 7, 11, 14).	6
10.		Талваса синдроми. Этиология, патогенез, клиника, диагностика и интенсив терапияси.	Топширик № 2, 3, 5, 7, 8, 9, 11, 13, 14. (2, 5, 7, 11, 14).	6
11.	Маъру за №3	Асоратланган бош мия жароҳатларида шошилиш ёрдам кўрсатиш. Бош мия шиши этиологияси, патогенези, клиникаси, диагностикаси ва интенсив терапияси.	Топширик № (4, 6, 14)	4
12.		Дегидратация синдроми. Сув- электролит алмашинувининг бузилиши турлари. Сув туз алмашинув бузилишини даволаш тадбирлари. Лаборотор маълумотлар кўрсаткичларини тўғри интерпретация қилиш. Этиопатогенезни билиши. Сув электролит алмашинув бузилишларини кўрсатиш ва адекват инфузион терапия хажмини тавсия қилиш. Диф. Диагностикаси.Тузли ва коллоид дори воситалари. Диффецитларни илмий ҳисоблаш сув ва электролитлар сарфланиши ва уларнинг КИМ бузилишларидаги боғлиқлиги. Орал регидратация.Инфузион- трансфузион терапия усуллари,мақсад ва вазифалари.	Топширик № 1, 4, 6, 13. (5, 7, 11, 12)	6
13		Ўткир буйрак етишмовчилиги.. Этиология, патогенези, клинικο-лаборатор диагностика.Ўткир буйрак етишмовчилиги интенсив терапияси. Уремия ривожланиши белгилари. Детоксикация усуллари: гемосорбция, ультрафилтрация, гемодиализ, плазмоферез.	Топширик № 1, 12, 13. (1, 2, 8).	
14.	Маъру за №4.	Геморрагик синдром. ДВС-синдром этиология, патогенез, классификация, босқичлари, клиникаси, клинικο-лаборатор диагностикаси. Интенсив терапия асосиц принциплари..	Топширик № 1, 12, 13. (1, 2, 8).	4
15.		Травматик шокда умумий оғриқсизлантириш. Умумий анестезия босқичлари ва компонентлари. Наркоз аппаратуралари,нафас контурлари ва системалари. Болаларда кўз, лор органлари хурургик патологияларидаги ва травмаларда оғриқсизлантириш аҳамияти.Умумий анестетиклар, анальгетиклар, релаксантлар, нейролептиклар ва бошқа умумий анестезия воситаларининг клинικο-фармакологик характеристикаси.	Топширик № 1, 2, 3, 4, 6, 7, 11, 12. (1, 5, 6, 11, 12).	6

		Беморни операция олди тайёргарлиги. Болаларда кўз, лор органлари хурургик патологияларидаги операциядан кейин касални олиб бориш.		
		Кичик жарроҳлик муолажаларида оғриқсизлантириш. Ингаляцион ва ноингаляцион наркоз. Умумий анестезиянинг комбинирланган усуллари. Наркозга киритиш, ушлаб туриш ва наркоз таъсиридан чиқариш. Трахея интубацияси вақтида бўйин умуртқаси жароҳати, асорати. Шошилиш ёрдам. Умумий анестезиянинг эндотрахеал усулида ўтказилишига кўрсатма. Анестетиклар, наркотик анальгетиклар ва мушак релаксантларининг ноҳўя таъсири.	Топширик № 4, 5, 7, 12, 13, 14. (1, 3, 5, 6, 11).	6
17.		Травмаларда оғриқсизлантириш турлари ва усуллари. Чақалоқ бемор сифатида юқори хавф даражаси. Жарроҳлик патологияларида умумий анестезия хусусиятлари. Операциядан кейинги парвариш. Операция вақтида ва операциядан кейинги вақтлардаги асоратлар ва уларнинг профилактикаси. Маҳаллий анестезия. Регионар анестезия турлари ва усуллари, акушерство ва гинекологияда. регионал анестезия Якуний назорат Оғзаки-имтиҳон билетлари асосида ўтказилади	Топширик № 1, 3, 4. (1, 2, 3, 9)	6

Жами

94 соат

№ 1, 8, 11, 14 АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР ХРОНОКАРТАСИ

№	Вақти	Саволлар	Ўтказиш жойи
1	8-30-8-40	Талабалар йўқловини ўтказиш	Ўқув хонаси
2	8-40-9-15	Мавзу билан таништириш	Ўқув хонаси
3	9-15-9-20	Танаффус	
4	9-20-10-05	Маъруза	Маърузалар зали
5	10-05-10-15	Танаффус	
6	10-15-11-00	Маъруза	Маърузалар зали
7	11-00-11-05	Танаффус	
8	11-05-11-50	Мавзу бўйича амалий машгулотарни қабул қилиш	ОРИТ, опер.блок
9	11-50-12-30	Тушлик	Ўқув хонаси
10	12-30-13-15	Янги машгулот мавзуси билан таништириш	ОРИТ, опер.блок
11	13-15-13-20	Танаффус	Ўқув хонаси
12	13-20-14-05	Янги машгулот мавзуси бўйича янги технологиялар билан таништириш	ОРИТ, опер.блок

№ 2, 3, 4, 5, 6, 7, 9, 10, 12, 15, 16, 17

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР ХРОНОКАРТАСИ

№	Вақти	Савол	Ўтказиш жойи
1.	8-30 - 8-40	Талабалар йўқловини ўтказиш	Ўқув хонаси
2.	8-40 - 9-15	Мавзу билан таништириш	Ўқув хонаси

3.	9-15 9-20	Танаффус	
4.	9-20 – 10-05	Мавзуга боғлиқ беморлар кўруви	ОРИТ
5.	10-05 - 10-15	Танаффус	
6.	10-15 - 10-30	Мавзуга боғлиқ беморлар кўруви	ОРИТ
7.	10-30 - 11-00	Таркатма материаллари билан ишлаш	Ўқув хонаси
8.	11-00 - 11-05	Танаффус	
9.	11-05 -11-50	Мавзу бўйича амалий кўникмаларни кўрсатиш	ОРИТ, опер.блок
10.	11-50 - 12-30	Тушлик	
11.	12-30 - 13-15	Таркатма материаллари билан ишлаш	Ўқув хонаси
12.	13-15 - 13-20	Танаффус	
13.	13-20 - 14-05	Янги машғулот мавзуси бўйича янги технологиялар билан таништириш	ОРИТ, опер. Блок

Мавзу №1. Педиатрияда анестезиология – реаниматология хизматларининг ташкил этиш. Анестезиолог – реаниматолог нуқтаи назаридан бола организмнинг анатомио - физиологик хусусиятлари.

Мавзу № 1 Технологик карта

Ўқув соати: 4 соат	
Ўқув машғулот режаси	
Мавзу мақсади:	Талабаларни бола организмдаги анатомо – физиологик ва ёшга боғлиқ хусусиятларини, педиатриядаги анестезиология – реаниматологияга хизматларнинг тузилиши билан таништириш.
Педагог топшириқлари: - ЎзРда анестезиолог – реаниматолог хизматларининг ташкилий принциплари. - Анестезиология – реаниматология хизматлари вазифалари. - Анестезиолог – реаниматолог персонал ишларининг ҳуқуқий аспекти. - ОРИТ ташкилотлари. - ОРИТ ташкилоти функциялари. - ОРИТ госпитализациясига кўрсатма ва қарши кўрсатма. - Болалар организмда ЦНС нинг анатомо – физиологик хусусиятлари. - Болалар организмда нафас ва қон айланишининг ривожланишидаги хусусиятлари. - Болаларда метаболизм хусусиятлари. - Болаларда эндокрин тизимининг анатомо – физиологик хусусиятлари	Ўқув мавзу натижаси: Талаба билиши шарт: Реанимация ва интенсив терапия (ОРИТ) ва операцион анестезиология бўлимларининг тузилиши ҳақида тасаввурга эга бўлмоқ. ОРИТ билан касалланган беморларни госпитализациясига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни билиши. Реанимация ва анестезиология бўлимининг санитар – гигиеник тартиб ишларини билиш. Тиббий персонал мажбуриятларининг ҳуқуқий аспектиларини ўрганиш. Бола организмнинг анатомо – физиологик хусусиятларини билиш. .
Ўқутиш усуллари	Дискуссия/ мия хужуми/ беморлар курацияси ва бошқалар.
Ўқув фаолияти шаклини ташкиллаштириш	Индивидуал/ жамоавий/ кичик гуруҳларда ишлаш/ балиқ скелети / тестлар ечиш.
Ўқув қуроллари	Интернетга уланишга инфорацион технология. Ўқув фильмлар ва муляжлар.
Қайта мулоқат усуллари ва ўқув қуроллари	Таркатма материаллар/тестлар,вазиятли

	масалалар, рецептлар, талабалар клиник фикрлаш баҳолаш варағи
--	---

Мақсад.

Талабаларни бола организмдаги анатомио – физиологик ва ёшга боғлиқ хусусиятларини, педиатриядаги анестезиология – реаниматологияга хизматларнинг тузилиши билан таништириш.

Талаба билиши керак.

- Реанимация ва интенсив терапия (ОРИТ) ва операцион анестезиология бўлимларининг тузилиши ҳақида тасаввурга эга бўлмоқ.
- ОРИТ билан касалланган беморларни госпитализациясига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни билиши.
- Реанимация ва анестезиология бўлимининг санитар – гигиеник тартиб ишларини билиш.
- Тиббий персонал мажбуриятларининг ҳуқуқий аспектларини ўрганиш.
- Бола организмнинг анатомио – физиологик хусусиятларини билиш.

Машғулот ўтказиш режаси:

1. Ўйлама
2. Талабаларни амалий машғулот мақсали билан таништириш
3. Уй ишини баҳолаш (конспект)
4. Фаол сўров.
5. Тест топшириқларини таҳлили
6. Вазиятли масалалар ечиш
7. Ўқитиш интерфаол усулларини
8. Резюме
9. Хужжатларни тўлдириш ва машғулотга баҳо
 - Конспектлар учун балл
 - Журналга талабалар баҳосини қўйиш

Тарқатиш усуллари:

1. Тарқатма материаллар.
2. 1-3 топшириқ.
3. Интерактив усуллар сценарийси.
4. Тест саволлари.
5. Вазиятли масалалар
6. Назорат турлари.
7. Мавзу назорат саволлари

Назарий қисм.

Бола анестезиология – реанимация, интенсив терапия усуллари ва принциплари соғлиқни сақлаш амалиётига хизматларининг ташкилий шакилларини қайта қўриб чиқилишига талаб қилинди.

Қўп йўналлишли шифохона катта базаларида шаҳар ва вилоятлар аро болалар анестезиология – реанимация, интенсив терапия марказларини ташкиллаштириши йўлга қўйилган. Бу марказларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат.

- интенсив терапияга муҳтож бўлган болаларнинг госпитализацияси ва даволаш.
- методик интенсив терапия палаталари ва бошқа бўлим стационарларида ташкилий ишлар.
- шаҳар ва вилоятларда даволаш ташкилотларига консултив ёрдам бериш.

Шаҳарда болаларга шошилиш ёрдам бериш ишларнинг тажрибалари билан алмашинуви. Кичик шаҳар - қишлоқларда педиатрия стационарлари қўп тарқалган бўлиб, унча катта бўлмаган бўлимлардан ташкил топган. Катта шаҳарларда жойлашган педиатрия стационарларида махсус консултив болалар реанимациясининг шошилиш ёрдам бригадалари мавжуд бўлиб, бошқа шошилиш ёрдам бригадаларидан фарқлироқ бундай бригадалар стационар, поликлиника, болалар боғчаси, ясли ва бошқа педиатрия шифо кўрсатиш ташкилотларида оғир ҳолатда бўлган болаларга келиб ёрдам

кўрсатилади. Анестезиология – реанимация бўлимлари асосий структур бўлинма бўлиб, уларда анестезиологик ҳаракатлар ва интенсив терапия олиб борилади.

А. анестезиология ёки операцион – анестезиология бўлими.

Б. интенсив терапия учун анестезиология палаталари бўлими ёки анестезиология ва интенсив терапия бўлими.

Анестезиология ва реанимация бўлимининг юқори сифатли бўлиши, касалхона бўлимларининг умумий жой фонди ва тузилишига боғлиқ бўлади. Кўп профилдаги стационарларда ўртача анестезиология ва реанимация бўлимларида ўриндиқларнинг миқдори умумий жойлар фондида 2 – 5 % ташкил қилиши лозим. Анестезиология ва реанимация болалар бўлимининг таркиби уларга мақсад қилиб қўйилган бир қанча вазифаларидан иборат. Болалар анестезиология ва реанимация бўлимининг структураси маълум даражада унинг олдида қўйиладиган масалаларни ўз ичига олади.

1. Болаларни оғриқсизлантиришга тайёрлаш ва уни ўтказиш жарроҳлик бўлимларида олиб борилади.
2. Операциядан кейинги беморларни парваришлаш ва даволаш реанимация ҳамда интенсив терапияни ўтказиш.
3. Нейрохирургик бўлимларда кўчадан келган ва бошқа касалхоналардан нейрохирургик касаллар билан ўтказилган беморлар реанимацияси ва интенсив терапияси.
4. Операциядан олдинги оғриқсизлантириш жараёндаги ҳамда оператив ҳолатлар, наркоздан ва операциядан кейинги даврлар, жарроҳлик бўлимга боғлиқ бўлмаган болаларда биохимик ва функционал текширувларни олиб бориш, реанимация ҳамда интенсив терапия ўтказиш.
5. Статик ҳисобни олиб бориш, асбоб анжомлар билан таъминлаш ва бошқалар. Тиббий хужжатларни асосан анестезиологик картани аниқ тузиш.

Анестезиология ва реанимация бўлими хоналарининг майдонлари касалхона тузилиши ва имкониятларидан иборат. Бундай бўлимлардаги ўринлар бир қанча гуруҳларга бўлинади.

А. умумий жой бутин бўлим учун: бўлим мудири хонаси, катта тиббий ҳамшира, бека ҳамшира хоналари, биохимик лаборатория, функционал диагностика лабораторияси (электрофизиологик), асбоб анжомларни сақлаш хонаси.

Б. операцион блокдаги жой: наркоз хонаси, уйғониш палатаси (бу палата операцион палаталардан кейинги палаталарда жойлашади). Наркоз асбоб анжомлари учун хона, анестезиологлар ҳамшираси учун хона.

В. Операциядан кейинги касаллар ўринлари: беморлар учун палаталар, анестезиолог ва реаниматологик врачлари учун хона, ҳамширалар учун хона, бека ҳамшира хонаси, кир кийим кечакларни сақлаш учун хона, анализларни йиғиш учун қўшимча хона ва бошқалар. Операциядан кейинги беморлар жарроҳлик ёрдам хажмига қарамасдан 2 – 4 палаталаридан иборат бўлиши лозим. Палаталар ажратилади. Тоза жарроҳлик операциядан кейинги касаллар учун, йирингли операциялар ва янги туғилган чақалоқлар, эмизикли болалар учун аналогик 2 та палата.

Г. Нохирургик беморларни даволаш учун жой: Интенсив терапия палаталари, реанимацион зал, бека ҳамшира хонаси, кир кийим кечакларни сақлаш хонаси анамнезларни сақлаш хона дежур врачлар ва ҳамширалар учун хоналар, каталкалар ва беморларни қабул қилиш хоналари.

Тиббий ёрдам хажмига қараб 2 – 3 та палаталаридан иборат бўлиши лозим, уларга инфекцион, ноинфекцион, изолятор – палаталари, токсикологик беморлар палатаси киради.

Реанимация зали ҳар хил манипуляцияларни ўтказиш учун қаратилган (торакотомия, трахеостомия ва бошқалар) ва жуда оғир беморларда манипуляция ўтказиш қачонки ИВЛ ўтказиладиган бўлса.

Анестезиология ва реанимация бўлими шундай ўринда бўлиши керакки, унга стационарнинг ҳар қайси бўлиmidан касалларни олиб келиш онсон бўлиши лозим.

Анестезиология ва реанимациянинг комплекс хизмати бир томондан операциядан кейинги хирургик бўлмаган инфекцион касалларга зарур бўлса, иккинчи томондан

маълум қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун бўлим шундай ўринда бўлиши керакки, асбоб ускуналар, лаборатория ва бошқа тиббий хизматлар комплекс ҳолда фойдаланиши, касаллар палатаси эса ишончли изоляцияланган бўлиши керак. Йирик касалхоналар учун реанимация ва интенсив терапия бўлимлари хирургик бўлмаган касаллар учун биринчи қаватда жойлаштирилади, чунки у ерга касалларни бошқа бўлимдан, қабул бўлиmidан ва тўғридан тўғри кўчадан олиб келишга қулайлик туғдиради. Реанимацион касаллар учун алоҳида кириш жойи бўлиши диққатга сазовордир. Операциядан кейинги касаллар парвариши учун мўлжалланган хона операцион бўлимга яқинроқ жойлашган бўлиши керак. Анестезиология ва реанимация бўлимидаги палаталарнинг ўлчами бошқа бўлимлар палатасидан фарқ қилади. Реанимацион бўлимдаги бир ўриннинг ўлчами оддий бўлимдаги ўринлардан камида 15 – 20 м² кўп бўлиши лозим. Педиатрик амалиёти учун, анестезиология ва реанимация бўлимларида касаллар ўринли аралаш типда жойлашиши мақсадга мувофиқдир, шунга кўра алоҳида изоляторли палаталар мавжуд. Палаталарда асбоб анжом, каталкалар, мосламаларни жойлаштириш осон бўлиши учун хона кенг бўлиши керак. Ўриндиқларни шундай жойлаштириш керакки унга тўрт томондан келиш осон бўлиши лозим.

Анестезиология ва реанимация бўлимининг асбоб ускуналар билан жиҳозланиши, ўз вақтида шошилиш ёрдам кўрсатишни таъминлаб бериши лозим. Ускуналарнинг бир қисми палатада жойлашган бўлса, қолган қисми зарурат бўлганда палатага олиб келинади. Палаталарда ҳар бир жойга марказлашган кислород бериш ва вакуум бўлиши керак. Азот бир оксиди, гелий балонларда берилади. Бўлимда вена – ва артериосекция, трахеостомия, торакотомия, перидурал ва орқа миёна пункциясини ва бошқа амалларни бажариш учун стерил асбоблар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Гипербарийоксигенацияни бажариш учун камера жуда муҳим ўринни тутди, «сунъий буйрак». Анестезиология ва реанимация бўлимларида бемор болаларни динамик назорат қилиш учун махсус мониторлар – кўп каналли физиографлар (осцилограф) бўлиши лозим, булар ўз навбатида ЭКГ, пульс, артериял ва веноз босим, нафас, ЭЭГ, миограммалар, тана ҳарорати ва бошқа кўрсаткичларни назорат қилиб туришда анча қулайликларни таъминлаб беради. Педиатрияда ҳам катталарда қўлланиладиган мониторлар қўлланилади. Фақатгина электродлари алмаштирилиши мумкин: кўпинча булар ёпиштирувчи ёки игнасимон. Кичик ёшдаги болаларда артериал босимни аускультатив усулда аниқлаш ҳар доим ҳам яхши бўлавермайди. Қонли усул бир қанча ҳавф кўрсатганлиги сабабли, айрим ҳолларда қўлланилади. Алоҳида қийинчиликлар, янги туғилган чақалоқларга ва кичик ёшдаги болаларга нафас ва юрак урушини автоматик назорат қилишда кузатилади. Ўспиринлик гиперкинезияси нафас ва юрак уриш частоталарни нотекс бўлиши ҳавф сигналини беришда тўғри параметрларини танлаб беришда бир қанча қийинчиликлар туғдиради.

Бу бўлимда монитор тизим бир қанча қулайликларни яратиб беради. Ҳавф сигнали нафас ва юрак уриши частоталарни тўхтовсиз баҳолашга қаратилгандир.

Анатомо – физиологик хусусиятлари.

МНС: туғилганда МНС морфологик ва функционал яхши ривожланмаганлиги сабабли янги туғилган чақалоқларда ўртача миёна массаси 350-400 г тана вазнини 1/8 қисмини ташкил қилади, катталарда эса 1/40 қисмини. Бу шунга боғлиқки катталарга нисбатан янги туғилган чақалоқлар миёсида суюқлик миқдори кўп бўлади. Янги туғилган чақалоқларда гематоэнцефалик барьер етилмаганлиги яққол билинади. Суюқлик ва токсик моддаларга ўтказувчанлиги юқори бўлади. Бу факторлар миёна шишини ҳосил бўлишида асосий ўринни тутди, ўрта гипергидратацияда. Бош миёна пўстлогининг дифференциациялашган вазифаси бўлмаслиги кам таъсирларга ҳам жавоб реакцияси гиперергик диффуз жадал генерелизациялашган кўринишда бўлади. Бу реакция талваса нафас бўзилиши ва гомеостазни бошқа турлари кўринишида кечади.

Юрак-кон томир тизими бола янги туғилган вақтида ўнг ва чап бўлмалараро ўпка артерияси ва аорта орасидаги тешиklar мавжуд бўлади. Нафас олиш механизмидаги ўзгаришлар ва бола туғилгандан кейин қон айланиши шароитлари бўлмалар аро тешикнинг ёпилишига олиб келади. Баталов йўли иккинчи ҳафта охирида ёпила

бошлайди. Бироқ аввал тешикни очиқ қолиши ва артериал йўлни очиқ қолиши ноқулай шароитларда қон айланишини бузилишига олиб келиши мумкин. Ацидоз, гипоксемия гиперкапния ёки катехоламинларни ажралиши вазоканстрикцияни келтириб чиқаради ва оғир гипоксемияда ўпка қон томирлари қаршилигини оширади бунда юракдан чиқувчи қон ҳажмига қараганда шунтлар орқали чиқадиган қон ҳажми 80% гача бўлади, ярим қон ҳажми артериал йўл орқали. Янги туғилган чақалоқларнинг қон оқимининг тезлиги икки марта тез, катталарга нисбатан. Қон ҳажми нисбатан кўпайган.

Соғлом янги туғилган чақалоқларда тана вазнига боғлиқ равишда айланаётган қон ҳажми (ОЦК) ва унинг компонентлари.

Тана вазни г	Гемотакрит %	ОЦК		ОЦП		ОЦЭ.	
		Мл.	Мл/кг	Мл.	Мл/кг	Мл.	Мл/кг
2500 – 3000	55.	329.8	113.0	148.8	50.9	181.3	61.6
3005 – 3500	53.	327.0	98.4	148.9	46.6	171.8	51.7
3505 – 4000	52	366.5	96.2	175.6	61.1	190.6	60.1
4005 – 4500	56	498.6	94.9	171.7	40.8	226.9	54.0

Нафас олиш тизими: Янги туғилган чақалоқларнинг юқори нафас йуллари тузилиши жихатидан фарқ қилади. Бурун бўшлиғи ривожланмаган ва тор. Унинг туби катталардан фарқ қилган ҳолда шундай жойлашганки, тил юткиннинг орқа деворига тегиб туради. Бурун йулининг бўшлиғи тор булиб фақат юқори нафас йўлини функциялайди. Тили катта ва юмшоқ. Юткин ости юқори жойлашгани учун нафас йўллариининг эркин ўтказувчанлиги қийинлашади. Хаттоки унча катта бўлмаган яллиғланиш жараёни оғиз бўшлиғига ва нафас йўлларига тушган сутни қайт қилиши ҳам нафас етишмовчилигига олиб келади.. Янги туғилган чақалоқларда юткин катталарникига қараганда учта умуртқа юқори жойлашган. Овоз бойламлари учинчи бўйин умуртқаси рўпарасида жойлашган тил ютқун усти ва юткинни анатомик жойлашуви бевосита ларингоскопияни ва интубацияни ўтказишга қийинчилик туғдиради, баъзи бир эгилган Майкинтош клинкани қўллаш қийин деб ўйлайди баъзи анестезиологлар.

Янги туғилган чақалоқларда ва катталарда ўпка функцияларининг айрим кўрсаткичлари

Кўрсаткичлари.	Янги туғилган чақалоқлар.	Катталар .
Ўпка оғирлиги	50 г	800 г
Трахея диаметри мм	4-8	18
Алвеолаларни диаметри мм	0.05 – 0.1	0.2 – 0.3.
Алвеолалар умумий юзаси м	4	80
Алвеолалар сони	$24 * 10^6$	$296 * 10^6$
Ўпкани тириклик сиғими мл/кг.	33	52
Нафас ҳажми мл/кг	6	7.
Нафас частота минут	40	20
Ўлик бўшлиқлар мл/кг	2	2
Сиғимни функционал қолдиғи мл/кг мин	30	34
Алвеолар вентеляция мл/кг мин	120	60
Кислород талаби мл/кг	6.9	3.3
Ўпканинг чузилувчанлиги лит/см/суб. Ст	0.004	0,15
Нафас йўллариини амродинамик қаршилиги см/суб.уст/лв1с.	40	2.0

Асосий алмашинув турларини ҳолати.

Янги туғилган чақалоқларни алмашинув жараёнини баҳолаш 2 та ҳолатда бўлади.

1. специфик таққослаш ва функцияларни ўрганиш.
2. Янги туғилган чақалоқларни организими « ҳар куни янги» тана вазни ҳар куни 20 – 30 г га ошади, хужайра ва тўқималарда структура элементларини миқдорини ошиши.

Янги туғилган чақалоқларда қон компонентлари ва сув алмашнунининг кўрсаткичлари.

Алмашинув кўрсаткичлари	Янги туғилган чақалоқ	Катта ёшли
Сув % тана массасидан	65 – 9	55 - 65
Хужайра ташқи суви % тана массасидан	31 – 65	20 – 23
Хужайра ташқи суви % тана массасидан	20 - 43	33 – 55
Плазма циркуляциясининг хажми мл/кг	31.8 – 66.5 (4.7)	М.42.7 – 48.9 Ж. 40.6 – 43.1
Қон циркуляциясининг хажми	54 – 118	М.75 – 80 Ж. 65 – 77
Глобуляр хажм мл/кг	29	М.30.1 – 38.5 Ж. 23.4 – 24.4

Янги туғилган чақалоқларда иммунитетнинг айрим хусусиятлари.

Организмда иммунитет тизимининг бутунлай шаклланишида асосий иммуноглобулин зардоб асосий массасини ташкил қилади IgG – 70% IgA – 10-15% IgM – 5-10%. Бундай концентрациялар 14 – 16 ёшда аниқланади. Янги туғилган чақалоқларда иммун тизими яхши ривожланмаганлиги сабабли уларда онсонгина ҳар хил септик ҳолатлар ривожланиши мумкин ва жуда оғир ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Ҳарорат баланси.

Бола ҳаётлилигини аниқлашда асосий факторлардан энг хавфлиси бу ҳароратнинг ўзгаришидир. Асосан гипотермия тана ҳароратининг пасайиши ёки совуқлик стресслари метаболизм интенсивлигини катталашишида углевод ва ёғлар запаси камаяди юрак – қон томир фаолиятининг бузилиши ва нафас бузилишида кузатилади. Терморегуляцияда асосий ўринни қунғир ёғ тутати – термоген яхши васкуляризациялашган ёғ тўқимаси бўлиб улар орқа кураклар аро соҳада бўйинда қўлтиқ остида катта қон томирларни қоплаб уларни термик изоляциясини қизиби кетишидан назорат қилиб туришини таъминлаб беради. Ёғ тўқимаси қўшимча термоген вазифани бажаради ва стресс ҳолатларда иссиқлик етишмовчилигини компенсацияланишини таъминлаб туради асосан мушакларни ривожланганлигида.

Топширик.

1. Реанимация ва интенсив терапия бўлимининг тузилиши ҳақида айтиб ўтиш.

Вазифа 2. Болаларда МНТ нинг анатоми – физиологик хусусиятларини санаб ўтиш.

Вазифа 3. ОРИТ госпитализациясига кўрсатмаларни санаб ўтиш.

Тест.

1. Анестезиология ва реанимация бўлимининг кучи нималарга боғлиқ?

А. Б ва Г

Б. Касалхона бўлимининг тузилиши

В. Шифокорлар сони

Г. Умумий ўрин фонди

Д. Шифокорлар квалификациясига

2. Ҳар бир ОРИТ шифокорларига қанчадан беморлар тўғри келади?

А. 5 – 6

Б. 1 – 3

В. 2 – 4

- Г. 10 – 12
Д. 8 – 10
3. Битта реанимацион ўринга қанча майдон ажратилган бўлиши керак
А. 6 – 10 кв.м
Б. 5 кв.м
В. 10 кв.м
Г. 10 – 15 кв.м
Д. 15 – 20 кв.м
4. ОРИТ да қайси бўлим кўрилмайди?
А. Реабилитацион палата
Б. операциядан кейинги беморлар учун палата
В. Реанимацион зал
Г. Нейрохирургик беморлар учун палата
Д. лаборатория
5. Янги туғилган чақалоқларда нафас ҳажмини ташкил қилади
а. 6 мл/кг.
б. 10 мл/кг.
в. 1 мл/кг.
г. 8 мл/кг.
д. 3 мл/кг.
6. 1 ёшгача болаларда ОЦК қанча тана массасини ташкил қилади?
А. 8.5%
Б. 15%
В. 6%
Г. 10%
Д. 2%
7. Кичик ёшдаги болаларда гломеруляр филтрациянинг тезлиги.
А. Катталарникидан паст
Б. Катталарникидан баланд
В. Ёшга боғлиқ эмас
Г. Болаларда аниқланмайди
Д. МНС ривожланишига боғлиқ
8. Эрта ёшдаги болаларда аниқланади
А. Кардиал сфинктернинг физиологик бўшлиғи
Б. Бурма мушак қавати яхши ривожланмаган
В. Ошқозон секретиясининг пасайиши
Г. Бурманинг физиологик спазми
Д. Кардиал сфинктер гипертонуси
9. Болаларда периферик гемодинамикани асосий регуляторлари бўлиб хисобланади.
А. Артериовеноз анастомозлар
Б. Артериялар
В. Веналар
Г. Прекапилярлар
Д. Посткапилярлар
10. Бола организмидаги сув ҳажми қанча тана массани ташкил қилади
А. Катталарникидан кўп
Б. Катталарникидан кам
В. Тана массасига боғлиқ эмас
Г. Ёшга боғлиқ эмас
Д. Тўғри жавоб йўқ.

Вазиятли масала.

1. Қабул бўлимига Янги туғилган чақалоқ олиб келинди Д. 10 кунлик нафас ва қон	Реанимация ўтказиш бефойда. Чақалоқ биологик ўлим ҳолатида олиб келинган.
--	---

айланиши кузатилмайди. Танасида ва қўл оёқларида мурда доғлари мурда қотишлари кузатилади. Кўз қорачиқлари кенгайган ёруғликка реакцияси йўқ. Онасининг айтиши буйича бола ҳолатини эрталаб кўриб шифокорга мурожат қилган. Сизнинг тактикангиз?	
--	--

Талабалар билимини баҳолаш критериялари.

Балл	Баҳо	Педиатрияда анестезиологик ва реаниматологик хизматни ташкиллаштириш. Анестезиолог-реаниматолог нуктаи назаридан бола организмни анатомио-физиологик хусусиятлари.
86-100	Аъло	Талаба педиатрияда анестезиологик ва реаниматологик хизматни ташкиллаштириш қоидабини билиши. Анестезиология ва реаниматология бўлимлари тузилиши схемаси тўғрисида тушунчаси. Бола организмни марказий нерв системасининг анатомио – физиологик хусусиятларини билиши. Бола организмни юрак-қон томир системасининг анатомио – физиологик хусусиятларини билиши. Бола организмни нафас олиш системасининг анатомио – физиологик хусусиятларини билиши. Болаларда сув электролит баланси, кислота ишқор ҳолатлари хусусиятларини билиши. Тест синовларига 86 -100% тўғри жавоб бериши.
71-85	Яхши	Талаба педиатрияда анестезиологик ва реаниматологик хизматни ташкиллаштириш қоидабини билиши. Анестезиология ва реаниматология бўлимлари тузилиши схемаси тўғрисида қисман тушунчага эга. Бола организмни марказий нерв системасининг анатомио – физиологик хусусиятларини қисман билиши. Бола организмни юрак-қон томир системасининг анатомио – физиологик хусусиятларини қисман билиши. Бола организмни нафас олиш системасининг анатомио – физиологик хусусиятларини қисман билиши. Тест синовларига 71 – 85 % тўғри жавоб бериши.
55-70	Қониқарли	Талаба педиатрияда анестезиологик ва реаниматологик хизматни ташкиллаштириш қоидабини тўлиқ билмайди. Анестезиология ва реаниматология бўлимлари тузилиши схемаси тўғрисида қисман тушунчага эга. Бола организмни юрак-қон томир системасининг анатомио – физиологик хусусиятларини қисман билиши. Бола организмни нафас олиш системасининг анатомио – физиологик хусусиятларини қисман билиши. Тест синовларига 55 - 70% тўғри жавоб бериши.
0-55	Қониқарсиз	Талаба педиатрияда анестезиологик ва реаниматологик хизматни ташкиллаштиришни, анестезиолог-реаниматолог нуктаи назаридан бола организмни анатомио-физиологик хусусиятларини билмайди. Тест синовларига 0 - 55% жавоб бериши.

Назорат саволлари.

- ЎзРда анестезиолог – реаниматолог хизматларининг ташкилий принциплари.
- Анестезиология – реаниматология хизматлари вазифалари.
- Анестезиолог – реаниматолог персонал ишларининг ҳуқуқий аспекти.
- ОРИТ ташкилотлари.
- ОРИТ ташкилоти функциялари.
- ОРИТ госпитализациясига кўрсатма ва қарши кўрсатма.
- Болалар организмда ЦНС нинг анатоми – физиологик хусусиятлари.
- Болалар организмда нафас ва қон айланишининг ривожланишидаги хусусиятлари.
- Болаларда метаболизм хусусиятлари.
- Болаларда эндокрин тизимининг анатоми – физиологик хусусиятлари.

Мавзу № 2: Терминал ҳолатлар ва клиник ўлим.

Мавзу № 2. Технологик карта

Ўқув соати: 6 соат	
Ўқув машғулоти режаси	
Мавзу мавсади:	Асосий билимларни чуқурроқ узлаштириш ва талабаларни терминал ҳолатлар ҳамда ўпка-юрак реанимацияси хусусиятлари билан таништириш.
Педагог топшириқлари: Талабаларга терминал ҳолатларни баҳолаш хусусиятлари ургатиш. Краниоцеребрал гипотермия усули билан танишиш.	Ўқув мавзу натижаси: Талаба билиши шарт: Терминал ҳолатларнинг уч босқичли таснифи
Ўқутиш усуллари	Дискуссия/ мия хужуми/ беморлар курацияси ва бошқалар.
Ўқув фаолияти шаклини ташкиллаштириш	Индивидуал/ жамоавий/ кичик гуруҳларда ишлаш/ балиқ скелети / тестлар ечиш.
Ўқув қуроллари	Интернетга уланишга инфор­мацион технология. Ўқув фильмлар ва муляжлар.
Қайта мулоқат усуллари ва ўқув қуроллари	Тарқатма материаллар/тестлар, вазият­ли масалалар, ре­цептлар, талабалар клиник фикрлаш баҳолаш варағи

Мақсад: Асосий билимларни чуқурроқ узлаштириш ва талабаларни терминал ҳолатлар ҳамда ўпка-юрак реанимацияси хусусиятлари билан таништириш.

Талаба билиши шарт:

Терминал ҳолатларнинг уч босқичли таснифи
Терминал ҳолатларнинг ривожланиш механизмлари.
Преагонал ҳолат диагностикаси
Агонал ҳолат диагностикаси
Клиник ўлим ва биологик ўлим диагностикаси.

Машғулоти ўтказиш режаси:

1. Ўқлама
2. Талабаларни амалий машғулоти мақсали билан таништириш
3. Уй ишини баҳолаш (конспект)
4. Фаол сўров.
5. Тест топшириқларини таҳлили
6. Вазият­ли масалалар ечиш
7. Ўқитиш интер­фаол усулларини

8. Резюме

9. Хужжатларни тўлдириш ва машғулотга баҳо

- Конспектлар учун балл
- Журналга талабалар баҳосини қўйиш

Тарқатиш усуллари:

- 1.Таркатма материаллар.
- 2.1-3 топшириқ.
- 3.Интерактив усуллар сценарийси.
- 4.Тест саволлари.
- 5.Вазиятли масалалар
- 6.Назорат турлари.
- 7.Мавзу назорат саволлари

Назарий қисм

Терминал ҳолатлар (лот.дан *terminalis* – охирги, чегара) АҚБнинг катастрофик тушиши билан кечувчи ҳаёт фаолиятининг критик даражадаги бузилиши, газ алмашинуви ва метаболизмнинг чуқур бузилиши билан кечадиган ўлим ва ҳаёт ўртасидаги чегара ҳолат. Собиқ Иттифоқнинг Тиббиёт фанлари Академияси академиги В. А. Неговский томонидан ишлаб чиқилган терминал ҳолат таснифи кенг тарқалган. Таснифга кўра терминал ҳолатнинг преагония, агония ва клиник ўлим босқичлари фарқланади. Бундан ташқари терминал ҳолатларга реанимациядан кейин организмнинг жонланиши ҳолати ҳам киради. Терминал ҳолатнинг бу тури реаниматологиянинг ривожланиши туфайли юзага келди. Терминал ҳолатлар мураккаб патофизиологик табиатга эга бўлиб, шифокор томонидан махсус комплекс даво чораларини ўтказишни талаб қилади. Агония олди ҳолати: умумий уйқучанлик, хуш хиралашган, АҚБ аниқланмайди, периферик артерияларда пульс йўқ, лекин уйқу ва сон артерияларида пульс аниқланади. ҳансираш тарзидаги нафас бузилишлари, тери қопламлари ва шиллиқ қаватларда цианоз ва рангпарлик. Агонал ҳолат: Қўйидаги симптомокомплекс асосида ташхисланади: кўз рефлексларининг йўқлиги, АҚБ аниқланмаслиги, периферик артерияларда пульснинг йўқлиги, ва магистрал артерияларда пульснинг сустлиги, аускультацияда юрак тонларининг бўғиқлиги, ЭКГда яққол гипоксия белгилари ва юрак ритмининг бузилиши белгилари борлиги. Клиник ўлим: қон айланиши, нафас ва МНС функционал активлиги тўлиқ тўхташ вақтида констатация қилинади. Ўпка ишининг тўхташи ва нафас тўхташи билан модда алмашинуви тезда пасаяди, лекин анаэроб гликолиз ҳисобига тўхтаб қолмайди. Шунинг учун клиник ўлим қайтар ҳолат бўлиб, унинг давомийлиги бош мия пўстлогининг қон айланиши ва нафас тўхтагандан кейин яшаш давомийлигига боғлиқ.

Шу ерда мия ўлими ва биологик ўлим каби тушунчаларни айтиб ўтиш лозим. “Мия ўлими” ташҳиси бош мия ярим шарлари қайтмас зарарланганда (декорткацияда) кузатилади. Лекин бу ҳолатни реанимациядан кейинги соатлар ва биринчи суткасида аниқлаш қийин. Ҳозирги кунда бу ҳолатни триада симптомлар белгилаб беради:

1. Спонтан нафас йўқ.
2. Корнеал ва қорачиқ рефлекслари чақирилмайди ва шунга мос тўлиқ арефлексия кузатилади.
3. Бош мия катта ярим шарлари биоэлектрик активлиги бўлмайди (биринчи 3 соат давомида ЭЭГда изоэлектрик чизик).

Биологик ўлим деганда ҳаёт фаолиятининг қайтмас тўхташи тушунилади. Унинг объектив белгилари: гипостатик доғлар, ҳароратнинг пасайиши ва мурда қотиши.

Клиник манзараси. Преагонал ҳолат – ўлимнинг бир босқичи бўлиб, бунда бош миянинг юқоридан пастга босқичма-босқич ўлими кузатилади (аввал пўстлок ва пўстлок ости қисмлари, кейин мия устунининг юқори қисми), аввал тахикардия ва тахипноэ, сўнг брадикардия ва брадипноэ кузатилади. АҚБ прогрессив пасайиб, критик даражасидан ҳам пасайиб кетади (80-60 мм.сим.уст.дан паст), баъзан (асфиксиядан ўлаётганда) АҚБ пасайишидан олдин биров вақт ошиши кузатилади. Аввал рефлексор табиатли умумий ҳаракат кўзғалиши кузатилади, бу миядаги энергетик дефицит юзага чиқишидан олдин кузатилиб организмнинг химоя механизми сифатида юзага келади. Унинг биологик маъноси

организм ўзини хавф солувчи ҳолатдан чиқаришга ҳаракат қилишидадир. Амалиётда асосий сабабнинг давомли таъсири фониди ушбу қўзғалиш ўлимга олиб келади.

Қўзғалиш фазасидан кейин ҳушнинг бузилиши ва гипоксик кома ривожланади. Ҳушни йўқотиш вақтида энергетик дефицит белгилари ҳали бўлмайдиган ва ҳушнинг бузилишини синаптик, нейромедиаторлик жараёнларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, ҳимоявий аҳамиятга эга. Преагонал ҳолатдан сўнг терминал пауза ривожланади, 1-4 минут давом этади. Нафас тўхтаб, брадикардия, баъзан асистолия кузатилади, қорачиқларнинг ёруғликга реакцияси, корнеал ва бошқа мия устуниси рефлекслари сўнади, қорачиқлар кенгайди. Чуқур наркозда ўлим юз берса терминал пауза кузатилмайдиган. Терминал пауза тугаши билан агония ривожланади. Агония – ўлишнинг бир босқичи бўлиб, миянинг бульбар қисми активланиши билан характерланади. Паст амплитудали ва суст нафас ҳаракатлари бўлиши мумкин. Бунда ташқи нафаснинг эффективлиги пасаяди. Агония охириги нафас ёки юракнинг охириги қисқариши билан тугалланади ва клиник ўлимга ўтади.

Клиник ўлим – ўлимнинг ортга қайтувчи босқичи. Бу босқичда ўлимнинг ташқи белгилари (юрак қисқаришлари тўхтаган, мустақил нафас ва ҳар қандай ташқи таъсирга рефлексор реакциялар йўқ) бўлган, реанимацион чоралар ёрдамида ҳаётий муҳим функцияларни тиклашнинг потенциал имкониятлари сақланиб турган ҳолат. Клиник ўлим ҳолатида юрак комплексларининг тўлиқ йўқолиши ёки частота ва амплитудаси пасайиб боровчи фибрилляр осцилляция, бошланғич (QRS тишлари) ва охириги (Т тишча) қисмларини аниқлашнинг иложи бўлмаган моно- ва биполяр комплекслар кузатилади. Амалиётда беаҳал ўлим шароитида тана ҳарорати нормал бўлса клиник ўлим ҳолати юрак тўхтагандан вақтдан то унинг фаолияти тикланган вақтгача деб олиши мумкин (бу вақт давомида реанимацион муолажалар қилиниб, қон айланиши қисман ушлаб турилган бўлишига қармасдан). Шунинг назарда тутиш лозимки, клиник ўлимнинг давомийлигига ўлимнинг тури, унинг шароити, ёш фактори, қўзғалиш даражаси, тана ҳарорати ва бошқалар таъсир қилади. Профилактик сунъий гипотермия ёрдамида клиник ўлим давомийлиги 2 соатга чўзилиши мумкин; авжланувчи қон йўқотиш натижасида келиб чиққан (айниқса у травма билан бирга кечса), узок давом этган ўлиш жараёнида клиник ўлим давомийлиги нолга тенг бўлади (организмда ҳаётий зарур функцияларнинг турғун қайтмас бузилиши юрак тўхташидан олдин бўлади). Клиник ўлимдан кейин ҳақиқий, қайтмас жараён – биологик ўлим кузатилади.

Топшириқ № 1 Диагностика

Клиник ўлим белгилари. Мустақил нафас йўқлиги, асистолия, арефлексия, қорачиқлар катталашиши ва ёруғликка реакцияси йўқлиги. ЭКГ да тўлиқ изолиния.

Топшириқ № 2 Стандарт бўйича даволаш.

Даво. Адреналин – 0.1% -0.01-0.02 мг/кг юборилади, агар натижа бермаса адреналин дозаси 10 баробар оширилади -0.1мг/кг

Атропин 0.1 % -0.02мг/кг, Натрий гидрокарбонат 4% 2мл/кг, юрак фибрилляциясида лидокаин 1 мг/кг (чакалоқларда 0.5мг/кг), гипокальцемиа и гипокалемияда кальций препаратлари тавсия қилинади. Заруратга қараб адреналин, атропин эндотрахеально юбориш мумкин. Показаниа к внутрисердечному введению медикаментов в настоящие время существенно ограничены в связи с вероятностью тяжелых осложнений (гемоперикард, пневмоторакс). Реанимацион ёрдам 30 дақиқа мобайнида ўтказилади ва натижасиз бўлса реанимация тўхтатилади

Тестлар

1. Нимага асосланиб юрак тўхташига якуний ташхис қўйилади:

- а. ЭКГ
- б. периферик артерияларда пулс аниқланмаслиги
- в. Қорачиқлар рефлекслари йўқлиги
- г. ЭЭГ
- д. ҳушсизлик

2. Асистолияда сизнинг тактикангиз:

- а. билвосита юрак массажи

- б. 10% кальция хлорид вена ичига юбориш
- в. Новокаин юбориш
- г. Вена ичига сода юбориш
- д. ИВЛ

3 Реанимациядан кейин бош мия функциясининг тикланиши баҳоланади:

- а. қорачиклар торайиши
- б. юрак уришини пайдо бўлиши
- в. Талвасасимон нафас ҳаракати пайдо бўлиши
- г. Пешоб ванажаснинг беихтиёр келиши
- д. пешоб пайдо бўлиши

4 Қоринчалар фибриляцияси қайси усулга қараб баҳоланади:

- а. ЭКГ
- б. аускультация
- в. периферик артериялардаги пульс
- г. уйку артериясидаги пульс
- д. сон артериясидаги пульс

5. Клиник ўлим ҳолатидаги тактика:

- 1. юрак ичига дори юбориш
- 2. нафас йўллари ўтказувчанлигини яхшилаш
- 3. марказий веналар катетеризацияси
- 4. ўпка сунъий вентилляцияси
- 5. билвосита юрак массажи

жавоблар: 24513

- 6. Трахея интубациясини тўғри ўтказиш кетма- кетлигини кўрсатинг
- 7. бошини орқага қайириш
- 8. 3-5 дақиқа гипервентилляция ўтказиш
- 9. оғизни очиб оҳиз ўнг бурчагига клинок қўйиш
- 10. клинокни тил ўзагига олиб бориш
- 11. интубацион трубкани тикиш

жавоблар: 12345

7. Реанимацияни тўғри ўтказиш кетма- кетлигини кўрсатинг

- 1. искусственный массаж сердца
- 1. ЎСВ
- 2. электрокардиография
- 3. оғиз бўшлиғи ва нафас йўллари ревизияси
- 4. дори воситаларини юбориш

жавоблар: 42135

8. Ошқозон зондлаш босқичлари

- 1. Джексон ҳолати
- 2. зонд узунлигини ўлчаш
- 3. зонд ҳолатини текшириш
- 4. зондни фиксациялаш
- 5. зондни оғиз, бурун орқали юбориш

жавоблар: 12534

7. 9. Трахея интубациясини ўтказиш кетма- кетлигини кўрсатинг

- 8. Беморни чалқанча ётқизиш
- 9. Преоксигенация
- 10. Ларингоскоп ёрдамида тил чапга тортилади ва тилча трахея визуализацияси
- 11. Ларингоскоп клинок ёрдамида тилча кўтарилади ва трахея кўринади
- 12. Трахея интубацияси

Жавоблар: 12345

Вазиятли масалалар

Топширик №1.

Қабул бўлимига 10 кунлик чақалоқ нафас ва қон айланиши йўқлиги, танасида мурда доғлари, кўз қорачиқларининг кенгайиши ва ёруғликка реакция йўқлиги белгилари билан олиб келинди. Онасининг айтишича белгиларни зрталаб кўрган ва врачга мурожаат қилган. Сизнинг тактикангиз?

1. Педагог таърифи

Реанимация ўтказиш фойдасиз, чақалоқ боилогик ўлим ҳодати билан тушган.

Топширик №2

